

**МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2021.Fil.132.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВ ШУХРАТ АБДУЛАЗИЗОВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ЛЕКСИК ПРЕСУППОЗИЦИЯНИНГ
ИФОДАЛАНИШИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қўқон - 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Махмудов Шухрат Абдулазизович Ўзбек тилида лексик пресуппозициянинг ифодаланиши	3
Махмудов Шухрат Абдулазизович Выражение лексической пресуппозиции в узбекском языке	27
Maxmudov Shuhrat Abdulazizovich Expression of lexical presupposition in the Uzbek language	49
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	53

**МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2021.Fil.132.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВ ШУХРАТ АБДУЛАЗИЗОВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ЛЕКСИК ПРЕСУППОЗИЦИЯНИНГ
ИФОДАЛАНИШИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қўқон - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2029.1.PhD/Fil.1086 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ва “Ziyounet” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Лутфуллаева Дурдона Эсоновна,
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жамолиддинова Дилноза Мирхожиддиновна
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Бурханов Зайдуллахон Бакирович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети.

Диссертация ҳимояси Қўқон давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/04.06.2021.Fil.132.01 рақамли Илмий кенгашнинг 20__ йил “__” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 150700, Қўқон шаҳри, Турон кўчаси, 23. Тел: (99873) 542-38-38; факс: (99873) 542-11-43; e-mail: quqondri@umail.uz.

Диссертация билан Қўқон давлат педагогика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 150700, Қўқон шаҳри, Турон кўчаси, 23. Тел: (99890) 508-64-42; e-mail: qdpi_arm@umail.uz

Диссертация автореферати 2022 йил “__” _____ да тарқатилди.
(2022 йил “__” _____ даги рақамли реестр баённомаси).

Д.Набиева

Илмий даража берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

В.Каримова

Илмий даража берувчи илмий
кенгаш котиби, филол. ф.б.ф.д.(PhD)

Ш.Искандарова

Илмий даража берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ

**(филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
аннотацияси)**

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ўтган асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб тил тизими бирликларини инсоннинг нутқий фаолиятида муҳим ўрин тутувчи омиллар, яъни нутқ вазияти, контекст, мулоқот эгаларининг тил билими ва кўникмаси, нутқ объекти бўйича эгаллаган билимлари, лексик захираси, шахсий сифатларининг нутқида намоён бўлиши кабилар билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этишга эътибор янада кучайди. Натижада тил бирликларининг контекст, нутқ вазияти, инсон билимлари билан боғлиқ ҳолда нутқда намоён бўлувчи хусусиятларига доир қизиқарли маълумотларга эга бўлинди. Айниқса, контекстуал таҳлил тил бирликларининг бевосита кузатишда берилмаган маъно қирраларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу йўналишда олиб борилган илмий изланишлар орқали тил бирликларининг нутқда яширин тарзда намоён бўлувчи функционал-семантик, контекстуал имкониятлари очиқ берилди.

Дунё тилшунослигида тил тизими бирликларининг нутқда намоён бўлувчи хусусиятларини аниқлаш доимо муҳим масалалардан бири бўлиб келган. Маълумки, тил бирликларининг маъно қирралари ҳар доим ҳам яққол кўзга ташланмайди. Жумладан, мураккаб семали лексик бирликлар гапда қўлланганда уларнинг маъно моҳиятини акс эттирувчи марказий семаси бевосита юзага чиқса, чегара семалари яширин тарзда пресуппозиция орқали ифодаланади. Лексик бирликларга хос бу хусусиятларни тадқиқ этиш уларнинг нутқда кузатилувчи яширин маъно қирраларини аниқлашга хизмат қилади. Бу муаммонинг ўрганилиши тилшуносликнинг лексикология, семасиология, лексопрагматика каби соҳалари учун қимматли маълумотлар беради.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда илм-фанни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган туб ислоҳотлар, айниқса, ҳукуматимиз томонидан ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги мақомини юксалтириш бўйича амалга оширилган ишлар, қабул қилинган фармон ва қарорлар ўзбек тилини илмий асосда чуқур ўрганиш заруратини юзага келтирди. “Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”¹лиги англаб етилган бугунги кунда ўзбек тилшунослигида тилни замонавий тадқиқ усуллари асосида ўрганиш бўйича қатор вазифалар, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ўртага ташланди. Тилшунослигимизнинг мана шундай муаммолардан бири ўзбек тилида лексик бирликлар орқали ифодаланувчи пресуппозицияни тадқиқ этиш масаласидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” чиқарган фармони, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. 258- сон.

4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 304 сон қарорларни ҳамда фан соҳаларини ривожлантиришга қаратилган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мос ҳолда амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тилшунослигида тил бирликларининг пресуппозицион хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар кўп. Бу муаммо, айниқса, ғарб тилшуносликларида, шунингдек, рус тилшунослигида энг кўп ўрганилган. Ғарб тилшунослигида пресуппозиция назарияси дастлаб Э.Кинан, Ч.Филлмор, Дж.Лакофф, П.Кипарский ва К.Кипарский, Ф.Кифер, Х.Грайс, Р.Столнейкер, Г.Юл, К.В.Хемпфер, Л.Картунен, Д.Вилсон, С.Левинсон ва бошқалар томонидан ривожлантирилди².

Рус тилшунослигида пресуппозициянинг моҳияти, турлари, ифода воситалари дастлаб Н.Д.Арутюнова, Н.Ф.Иртеньева, В.А. Звегенцев, Е.В. Падучева, В.В.Богданов, И.В.Арнольд ва бошқа олимларнинг ишларида ёритилди.³ Кейинчалик бу муаммо монографик аспектдаги

² Қаранг: <https://ru.wikipedia.org/wiki>; Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16. Лингвистическая прагматика. – М.: Прогресс, 1985. – 500 с.; Kiparsky Paul and Kiparski Carol. Fact. // Progress in Linguistics. The Hague, 1970. – P. 143-173; Lakoff G. Linguistics and Natural Logic. Ann Arbor: The University of Michigan, 1970. – 150 p.; Keenan E.L. Two Kinds of Presupposition in Natural Language. Studies in Linguistic Semantics. – New York, 1971. – P. 44-52; Fillmore C.J. May we come in? // Semiotica. 1973, – № 9. – P. 97-116; Stalnaker, R. Pragmatic Presuppositions // Semantics and Philosophy. – New York, New York University Press, 1974. – P. 197-214; Karttunen L. Presupposition and Linguistic Context // Theoretical Linguistics. 1974. – № 1. – P. 182-194; Kempson R. M. Presupposition and the Delimitation of Semantics. – Cambridge, Cambridge University Press, 1975. – 235 p.; Wilson D.M. Presupposition and non-truth-conditional semantics. – New York, 1975. – 161 p.; Кифер Ф. О пресуппозициях. // Новое в зарубежной лингвистике. Лингвистика текста. Вып. VIII. М.: “Прогресс”, 1978. – С.337-370; Soames S. A Projection Problem for Speaker Presuppositions // Linguistic Inquiry. 1979. – № 1. – P. 623-666; Levinson S.C. Pragmatics. – Cambridge, Cambridge University Press, 1983. – 420 p.; Van der Sandt R.A. Context and Presupposition. – London, etc.: Croom Helm, Linguistics Series, 1988.–249 p.; ва бошқалар.

³ Арутюнова Н.Д. Понятие пресуппозиции в лингвистике // Известие АН СССР. Серия лит. и яз. – М., 1973. Т.32. Вып. – №1. – С. 84-89; Иртеньева Н.Ф. Пресуппозиция, смысл предложений и их классификация. // Проблемы семантического синтаксиса / Сборник научных трудов. –Пятигорск: Издательство ПГПИИЯ, 1975. – С. 18-23; Звегенцев В.А. Предложение и его отношение к языку и речи. – М., 1976. – С. 216-226; Падучева Е.В. О понятие презумпции в лингвистической семантике // Семиотика и информатика. – М., 1977. – Вып. 8. – С. 91-122; Богданов В.В. Семантико-синтаксическая организация предложения. – Л.: Издательство Ленинградского университета, 1977. – 207 с.; Арнольд И.В. Импликация как прием построения текста и предмет филологического изучения //Вопросы языкознания. 1982. – № 4. – С. 83-91; Арутюнова Н., Падучева Е. Истоки, проблемы и категории прагматики // Новое в зарубежной лингвистике.

кўплаб тадқиқотлар объектига айланди. Сўнгги йилларда пресуппозициянинг когнитив хусусиятларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди.⁴

Ўзбек тилшунослигида пресуппозиция ҳодисасининг тадқиқини А.Нурмонов ва Н.Маҳмудовлар бошлаб беришди. Улар пресуппозициянинг моҳиятини бир вақтда эълон қилинган илмий мақолаларида очиб беришди.⁵ Кейинчалик бу муаммо У.Раҳимов, З.Бурханов, М.Ҳайназарова, А.Пардаевлар томонидан юклама, кўмакчи ва уларга вазифадош келишиқлар, боғловчилар ҳамда сўроқ гаплар мисолида монографик аспектда тадқиқ этилди.⁶ Бугунги кунда тилшунослигимизда ўзбек тилида пресуппозициянинг ифодаланиши масаласи бўйича муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, айнан лексик бирликлар, уларнинг маъно хусусияти билан боғлиқ ҳолда нутқда пресуппозициянинг юзага чиқиши масаласи махсус ўрганилган эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Наманган давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси илмий-тадқиқот режасига киритилган “Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари” мавзуси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилида лексик пресуппозициянинг ифодаланиши масаласини тадқиқ этиш, лексик бирликларнинг жумла таркибида юзага чиқувчи пресуппозитив маъно хусусиятларини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лексик пресуппозициянинг моҳияти, ифода воситалари, гапни мазмунан мураккаблаштириши ва айни вақтда нутқий тежамлиликни юзага келтиришини мисоллар ёдамида очиб бериш;

ўзбек тилида пресуппозицияга ишора қилувчи лексик бирликларни аниқлаш ва уларнинг ассертив ва пресуппозицион маъноларига тавсиф бериш;

нутқда лексик пресуппозициянинг лексема луғавий маъноси орқали ифодаланиши масаласини ўрганиш;

нутқда лексеманинг чегара семалари орқали пресуппозициянинг юзага чиқиши масаласини ёритиш;

Вып. XVI. – М., 1985. – 501 с.; Падучева Е.В. Высказывание и его соотнесенность с действительностью. – М., 1985. – С. 48-82; ва бошқалар.

⁴ Никифорова А. Ю. Когнитивные и семантические основания пресуппозиции // Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Пензгорск, 2003 // <http://cheloveknauka.com/> kognitivnye-i-semanticheskie-osnovaniya-presuppozitsii

⁵ Нурмонов А. Кўмакчилик конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 1986. – №6. – Б. 42-45; Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 1986. – №6. – Б. 28-31.

⁶ Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 25 б.; Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиқлар прагматикаси (пресуппозицион аспект): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 130 б.; Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2017. – 262 б.

Ўзбек тилида муайян лексемаларнинг антонимик, синонимик ҳамда уядошлик белгиси орқали нутқда турли пресуппозицияларнинг ифодаланишини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек тилида пресуппозиция ифодаловчи турли нутқ услубларига хос лексик бирликлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тилида лексик пресуппозициянинг ифодаланиш хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда тавсифлаш, зидлаш, қиёслаш усуллари, лексик-семантик, компонент таҳлил тамойиллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилида пресуппозиция ифодаловчи лексик бирликлар аниқланиб, уларнинг гапда юзага чикувчи ассертив ва пресуппозицион маънолари очиб берилган;

ўзбек тилида лексик бирликларнинг луғавий маъноси, луғавий маънонинг чегара семалари ва кўчма маъносига асосланган пресуппозиция кўринишлари аниқланган;

нутқ жараёнида луғавий бирликларнинг антонимик, синонимик ҳамда уядошлик хусусияти орқали лексик пресуппозицияларга йўл очишлиши далилланган;

лексик бирликлар пресуппозициясининг ҳар қандай гапни мазмунан мураккаблаштириши ҳамда нутқий тежамлиликка имкон яратиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда чиқарилган илмий-назарий хулоса ва далилларнинг асоси магистратура босқичи “Лингвистика” йўналишидаги “Прагмалингвистика”, “Лексик семантика” курслари учун дарслик, ўқув қўлланмаларини яратишга хизмат қилади;

лексик пресуппозициянинг гап семантик структурасидаги ўрни, лексик пресуппозициянинг матн мазмунини идрок этишдаги амалий аҳамияти асосланган ва мулоқот жараёнини енгиллаштиришда лексик пресуппозициянинг имкониятлари очиб берилган ва лингвистик назарияларга асосланган илмий хулосалар чиқарилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, тўпланган материаллар таҳлили орқали асосли илмий хулосалар чиқарилганлиги, ўзбек тили лексик бирликларининг пресуппозицион хусусиятлари контекст, нутқ вазияти, тил эгаларининг нутқ объекти бўйича эгаллаган умумий билимлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилида лексик пресуппозициянинг ифодаланиши масаласига доир мавжуд назарий қарашларни янги билимлар билан бойитилганлиги; пресуппозиция ҳодисасини ўрганишга қаратилган тадқиқот ишларидаги ўзбек тили бирликларининг прагматик хусусиятларини ёритишдаги, хусусан, пресуппозитив имкониятларини

аниқлаш масалаларидаги назарий асосларга муносиб улуш бўлиб кўшилиши ва уларга амалий жиҳатдан хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот иши олий ўқув юртлари ўзбек тили йўналиши бўйича таҳсил олаётган магистрларга, талабаларга, ёш лингвист тадқиқотчиларга илмий-амалий қўлланма вазифасини бажара олади ҳамда ундан прагмалингвистика бўйича танлов фанларини ташкил қилишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тили лексик бирликларининг пресуппозицион тадқиқи юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

ўзбек тилида ясама лексик бирликларнинг пресуппозицион хусусиятлари, уларнинг гапнинг семантик-синтактик тузилишидаги ўрни бўйича чиқарилган хулосалардан ФА-Ф1-ГООЗ рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (ЎзРФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йилдаги 17/01-сон маълумотномаси). Натижада мазкур лойиҳа сўз ясалишида луғавий маънонинг ўрни бўйича янги илмий-назарий маълумотлар билан бойитилган;

ўзбек тилида пресуппозицияга ишора қилувчи лексик бирликлар ва уларнинг антонимик, синонимик маънолари ҳақидаги хулосалардан ФА-А1-ГООЗ рақамли “Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (ЎзРФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 17.01/06-сон маълумотномаси). Натижада мазкур лойиҳа нақл-мақолларда қўлланган лексик бирликлар семантикасига оид янги илмий-назарий маълумотлар билан бойитилган;

ўзбек тилида луғавий бирликларнинг яширин ахборотга ишора қилиши ва гапни мазмунан мураккаблаштириши ҳақидаги маълумотлардан Навоий вилоят телерадиокомпаниясининг 2020-2021 йиллар давомида эфирга узатилган “Тил – миллат кўзгуси”, “Мозийга назар” кўрсатувлари ҳамда “Долзарб мавзу”, “Муносабат” ешиттиришларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Навоий вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 30 ноябрдаги 01-02-190-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатувлар мазмуни тил бирликларидаги маъно нозикликларининг ифодаланишига доир илмий-назарий қарашлар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 5 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 4 та республика ҳамда 1 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан 11 та илмий мақола нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 133 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Лексик пресуппозиция ва унинг тил тизимидаги ўрни”** деб номланган. Унда пресуппозициянинг функционал-коммуникатив хусусиятлари, тилшуносликда лексик пресуппозициянинг ўрганилиши, лексик пресуппозициянинг моҳияти, ифодаланиш усуллари каби масалалар ёритилган.

Тилшуносликда пресуппозицияга берилган таъриф ва тавсифлар асосида унинг қуйидаги энг характерли жиҳатларни ажратиш кўрсатиш мумкин: 1) пресуппозиция тил бирликларининг бевосита кузатишда берилмаган семантик хусусиятини юзага чиқаради; 2) пресуппозиция тилда муайян ифода воситаларига эга; 3) пресуппозиция гапда контекст, нутқ вазияти билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади; 4) пресуппозиция гап таркибида яширин тарзда намоён бўлади; 5) пресуппозиция тежамлиликини юзага келтириб, нутқнинг самарадорлигини оширади.

Пресуппозиция, аввало, нутқ объекти ҳақидаги билимларни ўзида мужассамлантиради. Шу сабабли гапда ифодаланган пресуппозициянинг идрок этилишида нутқ объекти ҳақидаги билимларнинг олдиндан эгалланган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Пресуппозиция матнда унинг семантик структураси компонентларидан бири сифатида иштирок этади. Тил эгаларининг матнда назарда тутилган билимларни идрок этишларида тил билими ва кўникмаси муҳим аҳамиятга эга бўлади. Нутқ объекти ҳақида билимлари мавжуд бўлмаган, бунинг устига, тил билими ва кўникмаси шаклланмаган мулоқот иштирокчилари гапда ифодаланган пресуппозицияни англай олишмайди. Масалан, *“Наҳотки кечаги жойга борган бўлсанг?”* риторик сўроқ гапи орқали яширин ифодаланган *“Сен кечаги жойга бормаслигинг лозим эди”, “Сен кечаги жойга борибсан”* пресуппозицияларининг тўлиқ идрок этилиши учун мулоқот иштирокчилари кечаги жой, у ерда юз берган воқеа-ҳодиса ҳақида умумий маълумотга эга бўлишлари шарт.

Пресуппозиция муайян тил бирлигининг ички имконияти, яъни пресуппозицияни ифодалаш “қобилияти” асосида юзага чиқади. Характерли жиҳати шундаки, бундай тил бирликлари нутқда қўлланмаса, уларга пресуппозицияни ифодалаш имконияти берилмаса, матндан ташқарида бундай бирликларнинг пресуппозицион хусусияти намоён бўлмайди. Тил бирлиги нутқда қўлланар экан, унинг пресуппозиция ифодаланишига имкон

яратилиши ва бунга коммуникатив эҳтиёж туғилиши лозим. Масалан, ўзбек тилида пресуппозиция ифодаловчи воситалар сифатида тавсифланувчи *ҳам, ҳатто, фақат, холос, -гина (-кина, -қина), эмас* ва шу каби бошқа юкламалар, шунингдек, *ўрнига, ташқари, бошқа, қараганда, кўра, қолиб, билан, яраша* тарзидаги кўмакчилар матндан ташқарида пресуппозицияни ифодалай олмайди. Уларнинг пресуппозицион хусусияти фақат матн таркибида, гап қуршовида муайян коммуникатив эҳтиёж, масалан, тежамкорликка эришиш ёки фикрни яширин ифодалаш каби мақсад асосида юзага чиқади. Агар нутқ жараёнида мана шу каби коммуникатив эҳтиёж юзага келмаса, бу бирликлар гапда пресуппозицияни ифодаламаслиги мумкин. Бу ҳолатни қуйидаги гаплар қиёсий таҳлили орқали очиб берамиз: 1. *Фақат гул сотиб олдим, бошқа ҳеч нарса олмадим.* 2. *Фақат гул сотиб олдим.*

Биринчи гапда *фақат* юкламасининг пресуппозицион хусусияти реаллашмаган. Чунки нутқ эгасининг коммуникатив мақсади бу гап орқали ўз фикр-мулоҳазасини тўлиқ ва ошқора ифодалашдан иборат. Шу сабабли у *фақат* юкламасининг пресуппозицияни ифодалаш имкониятидан фойдаланмаган. Кейинги гапда эса, аксинча, *фақат* юкламаси орқали “*Бошқа ҳеч нарса сотиб олмадим*” пресуппозицияси англашилади. Нутқ эгаси бирдан ортиқ ахборотни содда гапда ихчам шаклда баён этишни лозим топганлиги сабабли *фақат* юкламасининг пресуппозицияни ифодалаш имкониятидан тўлиқ фойдаланган. *Фақат* юкламасининг “умумдан ажратиш, чегаралаш” грамматик маъносини инобатга олган ҳолда унга гапда пресуппозицияни ифодалаш имкониятини берган. Натижада содда гапда пресуппозиция ифодаланиб, мазмун мураккаб ҳолга келган.

Демак, гапда пресуппозициянинг ифодаланиши ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бу жараёнда пресуппозицияни актуаллаштирувчи тил бирликларининг нутқда намоён бўлувчи хусусиятлари ҳамда инсон омили билан боғлиқ жиҳатлар муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўтган асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб дунё тилшунослигида пресуппозиция ҳодисасини ўрганишга қаратилган жиддий тадқиқотлар юзага келди. Бу ишларда пресуппозициянинг моҳияти очиб берилди, турлари белгиланди.⁹

Ўзбек тилшунослигида пресуппозиция ҳодисасининг моҳияти дастлаб А.Нурмоновнинг “Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси”,

⁹ Fillmore C.J. Types of Lexical Information // Studies in Syntax and Semantics. F. Kiefer (Ed.). – Dordrecht: Reidel, 1969. – P. 109-137; Keenan E.L. Two Kinds of Presupposition in Natural Language // Studies in Linguistic Semantics. C.J. Fillmore, T. Langedoen (Eds.). – New York, 1971. – P. 45-52; Арутюнова Н.Д. Понятие пресуппозиции в лингвистике // Известие АН СССР. Серия лит. и яз. – М., 1973. Т.32. Вып. – №1. – С. 84-89; Падучева Е.В. О понятие презумпции в лингвистической семантике // Семиотика и информатика. – М., 1977. – Вып. 8. – С. 91-124; Кифер Ф. О пресуппозициях // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. – М., 1978. – С. 337-369; Падучева Е.В. Презумпции и другие виды неэксплицитной информации в предложении // Научно-техническая информация, серия 2. 1981. – № 11. – С. 23–30; Застровський О.А. Семантико-прагматичні властивості градуальних часток сучасної німецької мови: Автореф. ... дисс. канд. філол. наук. – Луцьк: ВНУ імені Лесі Українки, 2006. – 206 с.; Щербаківа О.В. Прагматическіе пресуппозиції як основаніе інтерпретації газетно-публіцистического дискурса (на матеріалі інтернет-версій британських газет): Автореф. ... дисс. канд. філол. наук. – Ставрополь. 2009; ва бошқалар

Н.Маҳмудовнинг “Пресуппозиция ва гап” номли мақоласида ёритилди¹⁰. Кейинчалик ўзбек тилининг айрим бирликларида пресуппозициянинг ифодаланиши масаласи махсус тадқиқот объектига айланди. Аввал юкламалар пресуппозицияси, сўнгра кўмакчилар ва уларга вазифадош бўлган келишиклар пресуппозицияси тадқиқ этилди. Шунингдек, ёрдамчи сўзлар прагматикаси умумий планда ўрганилиб, боғловчиларнинг ҳам пресуппозицион хусусиятлари очиқ берилди¹¹. Синтактик сатҳда сўрок гапларда пресуппозициянинг ифодаланиши масаласи махсус ўрганилди¹².

Эътироф этиш лозимки, ўзбек тилида лексик пресуппозиция ва унинг ифодаланиши масаласига А.Нурмонов, У.Раҳимов, Р.Давлатовалар алоҳида тўхталганлар. А.Нурмонов *Мен Тошкентдан Москвага учдим* жумласида “Самолётда келдим” пресуппозициясининг мавжудлигини, “учмоқ” сўзининг лексик маъноси ва тил ҳақидаги умумий билиш фонди сўзловчилар учун ушбу пресуппозицияни тушунарли қилганлигини айтади ва олим сўзнинг лексик маъноси орқали пресуппозициянинг ифодаланишини аниқ мисол орқали асослаб беради¹³.

У.Раҳимов ҳам, гарчи тадқиқот ишида пресуппозиция ифодаловчи воситалар гуруҳига лексик бирликларни киритмаган бўлса-да, ўзбек тилида бундай бирликлар орқали ҳам пресуппозициянинг англашилишини таъкидлайди¹⁴.

Р.Давлатова ўзбек тилида пропозициянинг ифодаланиши масаласи тадқиқига бағишланган номзодлик диссертациясида пресуппозициянинг лексик бирликларнинг луғавий маъноси орқали, антонимига ишора қилиши асосида ҳам ифодаланишини қайд этади. У лексик воситаларни ўзбек тилида пресуппозицияга ишора қилувчи маҳсулдор тил бирликлари деб ҳисоблайди. Олима *раҳматли, чиллалли, ажин* лексемалари мисолида фикрини қуйидагича далиллайди: “...*Раҳматли* сўзи “*Худонинг раҳматига лойиқ киши*” луғавий маъносини ифодалайди. Бу сўз вафот этган кишиларга нисбатан қўлланилади. Нутқда *раҳматли* сўзининг луғавий маъноси асосида яширин пропозиция ифодаланади. Масалан, “*Онанг раҳматли кўрмади*” (С.Зуннунова) гапида ҳаракат субъектини тавсифлаб келган *раҳматли* сўзи шахснинг бу дунёдан ўтганлиги тўғрисидаги “*Онаси вафот этган*” пресуппозициясига йўл очади¹⁵.

¹⁰ Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 1986. – №6. – Б. 42-45; Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 1986. – №6. – Б. 28-31.

¹¹ Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 25 б.; Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар прагматикаси (пресуппозицион аспект): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 130 б.; Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси: Филол. фан. д-ри ...дисс. – Тошкент, 2017. – 262 б.

¹² Ҳайназарова М. Сўрок гапларда шакл ва мазмун номувофиқлиги: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 25 б.

¹³ Нурмонов А. Гапнинг пресуппозиция аспекти / А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, А.Аҳмедов, С.Солихўжаева. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 115.

¹⁴ Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 25 б.

¹⁵ Давлатова Р. Пропозиция ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – Б. 78.

Лексик пресуппозициянинг бошқа турдаги пресуппозициялардан фарқли жиҳати шундаки, бу ҳодиса лексема ва унинг маъно хусусиятлари билан алоқадордир. Шу боис лексеманинг маъно компонентларини белгилашда, унинг нутқ вазияти, контекст билан боғлиқ ҳолда юзага чиқувчи маъно кирраларини аниқлашда пресуппозицион таҳлилга муружаат қилиш лозим бўлади.

Лексик пресуппозиция таҳлиliga эътибор қаратилган ишларда пресуппозициянинг бу турини ифодаловчи лексик бирликларга юклама ва феълларнинг киритилиши кузатилади. Жумладан, Е.В.Падучева рус тилидаги *даже, тоже, еще, опять, уже, только, почти* юкламалари орқали гапда лексик пресуппозициянинг ифодалашини таҳлил қилган¹⁶.

Рус тилшунослари О.А.Застровский ҳамда И.В.Ружицкий ҳам юкламаларни пресуппозиция ифодаловчи лексемалар сифатида баҳолаб, уларнинг гап семантикасидаги ўрнига эътибор қаратишган¹⁷. Е.В.Падучева ва В.В.Красных эса рус тилидаги фактив феълларни пресуппозиция ифодаловчи лексик бирликлар қаторига киритишган¹⁸.

Бизнингча, бу воситалар, айниқса, юкламалар гапда англаган грамматик маъноси ва вазифаси асосида пресуппозицияга ишора қилиши сабабли уларни пресуппозициянинг морфологик индикаторлари қаторига киритиш мақсадга мувофиқ. Фактив феъллар эса луғавий маъноси асосида пресуппозицияни ифодалашини сабабли уларнинг лексик воситалар таркибида ўрганилиши тўғри бўлади. Аммо бундай феъллар гапда морфологик-грамматик хусусияти асосида пресуппозиция ифодаласа, уларни *морфологик индикаторлар* қаторида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу тадқиқотда ўзбек тилида луғавий маъноси асосида пресуппозицияни ифодаловчи феъл лексемалар *лексик индикаторлар* сифатида таҳлил қилинди.

Лексик пресуппозиция лексема маъноси билан боғлиқ ҳолда намоён бўлувчи пресуппозициянинг алоҳида туридир. Ушбу ҳолат пресуппозиция ифодаловчи лексик бирликларни жумла таркибида, бошқа бирликлар курсовида ўрганиш лозимлигини кўрсатади.

Маълумки, тилдаги кўплаб лексик бирликларнинг семантик кирралари нутқ жараёнида намоён бўлади. Нутқда лексик бирликларнинг кўчма маънолари, факультатив маъно компонентлари, баҳо семаси, коннотатив хусусияти кабилар юзага чиқади. Нутқ жараёнида ҳатто лексик бирликларга кўшимча коммуникатив-прагматик вазифа юклатилиши ҳам мумкин. Лексик бирликларга юклатилган ҳар қандай кўшимча вазифа контекст, нутқ вазияти билан боғлиқ ҳолда аниқланади. Бу ҳолат лексик бирликларни

¹⁶ Падучева Е.В. Понятие презумпции в лингвистической семантике // <http://lexicograph.ruslang.ru/TextPdf/presumption-77.pdf>

¹⁷ Застровский О.А. Семантико-прагматичні властивості градуальних часток сучасної німецької мови: Дисс ... канд. філол. наук. – Луцьк: ВНУ імені Лесі Українки, 2006. – С. 49; Ружицкий И.В. Прагматический компонент значения слова (на материале русских модальных частиц и междометий) // <https://codenlp.ru/wp-content/uploads/2014/01/Pr-Pragmaticheskiy-komponent-v-znachenii-slova-Ruzhitskiy.pdf>

¹⁸ Падучева Е.В. Высказывание и его соотносённость с действительностью (Референциальные аспекты семантики местоимений). – М.: Наука. 1985. – С. 72; Красных В.В. “Свой” среди “чужих”: миф или реальность? – М.: ИТДГК “Гнозис”, 2003. – С. 134.

лингвопрагматик аспектда ўрганиш, айниқса, уларнинг гапда қўлланганда турли пресуппозицияларни ифодалаш имкониятларини текшириш лозимлигини кўрсатади.

Англашиладики, айрим лексик бирликлар семантик хусусияти асосида гапда пресуппозицияни ифодалаш имкониятига эга бўлса, баъзи лексик бирликларга уларнинг семантик-функционал хусусиятидан келиб чиққан ҳолда пресуппозицияни ифодалаш вазифаси юклатилади. Бу жиҳатдан пресуппозиция ифодаловчи лексик бирликларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин бўлади: **а) пресуппозиция ифодалашга хосланган лексик бирликлар; б) нутқда зиммасига пресуппозицияни ифодалаш вазифаси юклатилган лексик бирликлар.**

Биринчи турдаги лексик бирликлар табиатан пресуппозицияни ифодалашга хосланган тил бирликлари саналади. Ушбу лексик бирликлар гап таркибида қўлланганда уларнинг луғавий маъноси марказий ва чегара семалари, синонимик, антонимик, кўпмаънолилик хусусиятлари асосида пресуппозицияга йўл очилади. Масалан, *қуритмоқ* феъл лексемаси иштирокида тузилган *У кўйлаги дорга осиб қуритди* гапидан “*Унинг кўйлаги ҳўл эди*” пресуппозицияси англашилади. Гапда ушбу пресуппозиция *қуритмоқ* лексемасининг “*ҳўл, намликдан холи бўлмоқ, қуруқ ҳолга келмоқ*”¹⁹ луғавий маъноси таркибидан ўрин олган *ҳўл* семик компоненти орқали юзага чиқади.

Иккинчи турдаги лексик бирликлар нутқда табиатан пресуппозиция ифодаламайдиган лексик бирликлар бўлиб, бу бирликларга пресуппозиция ифодалаш вазифанинг юклатилишида алоҳида эътиборга олиниши лозим бўлган муайян ҳолатлар мавжуд. Бошқача айтганда, исталган лексик бирлик пресуппозиция ифодалаш вазифасини ўз зиммасига олади деб айта олмаймиз. Лексик бирликнинг семантик хусусияти ҳамда синтактик қуршов бунга йўл берганда ушбу вазифани амалга ошириш мумкин бўлади. Масалан: *Шеригимнинг бурни жуда зўр – тушунтира бошлади Ортиқали.* (Х.Тўхтабоев)

Берилган гапнинг “*Шеригимнинг бурни жуда зўр*” компонентида “*Шеригимнинг бурни ҳидни зўр ажратади*” пресуппозицияси англашилиб туради. Гапда мазкур пресуппозицияни ифодалаш *зўр* лексемасининг зиммасига юклатилганлиги сезилади. Аслида ушбу гап “*Шеригимнинг бурни ҳидни зўр ажратади*” тарзида шаклланган бўлиб, тежаш тамойили асосида гапдан *ҳид* ва *ажратмоқ* лексемалари тушириб қолдирилган. Гапда *зўр* лексемаси зиммасига мана шу тушириб қолдирилган бирликлар орқали юзага чиқувчи ахборотни тиклаш вазифаси юклатилган. Натижада *зўр* лексемаси гапда ҳид ажратиш ҳаракатнинг бажарилиш тарзини ифодалаш билан бирга ушбу ҳаракатнинг ўзига ҳам ишора қилади.

Ўзбек тилида пресуппозиция ифодаловчи бундай лексик бирликларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

¹⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 381.

1) луғавий маъносининг марказий ва чегара семалари орқали пресуппозиция ифодаловчи лексик бирликлар;

2) кўчма маъноси асосида пресуппозиция ифодаловчи лексик бирликлар;

3) антонимик хусусияти асосида пресуппозиция ифодаловчи лексик бирликлар;

4) синонимлик ва уядошлик хусусияти асосида пресуппозиция ифодаловчи лексик бирликлар.

Диссертациянинг “**Ўзбек тилида лексема маъноси орқали пресуппозициянинг ифодаланиши**” деб номланувчи иккинчи бобида лексема луғавий маъносига асосланган пресуппозиция, лексема луғавий маъносининг чегара семаларига асосланган пресуппозиция, лексеманинг кўчма маъносига асосланган пресуппозиция масалалари ёритилган.

Ҳаракат билдирувчи лексемалар луғавий маъносининг марказий семаси орқали гапда пресуппозициянинг ифодаланиши *ташламоқ, тўхтатмоқ, тугатмоқ, воз кечмоқ, давом эттироқ, яқунламоқ* (иш, юмуш, фаолият, хатти-ҳаракат кабиларга нисбатан), *бошламоқ* сингари феъл лексемаларида кузатилади. Масалан, “*У чекишни тўхтатди*” гапидан “*У чекаётган эди*” пресуппозицияси англашилади. Берилган феъл лексема инкор шаклда қўлланганда ҳам, гапда пресуппозиция сақланиб қолади. *У чекишни тўхтатмади (У чекаётган эди)*

Ўзбек тилида луғавий маъноси, уни ташкил қилувчи марказий семаси асосида пресуппозициянинг ифодаланиши, айниқса, *ҳаракат натижаси бўлган ҳолатни* англатувчи феъл лексемаларда ёрқин кўзга ташланади. Бундай лексемалар иштирокида тузилган гапларда ҳолатни юзага келтирган ушбу ҳаракатни тавсифловчи пресуппозиция ифодаланади. Ушбу хусусият *тинмоқ, тўхтамоқ, тугамоқ, тинчимоқ, қуюлмоқ, суюлмоқ, оқармоқ, қораймоқ, соғаймоқ, тузалмоқ, ўчмоқ, сўнмоқ* сингари лексемаларда иштирокида тузилган гапларда кузатилади. *Музыка тинди. Чилдирманинг бака-банги ўчди.* (Ў.Ҳошимов)

Ушбу гапда қўлланган *тинмоқ* лексемаси мусиқага нисбатан қўлланган бўлиб, “*тўхтамоқ, босилмоқ*” маъносини англатади. Албатта, ушбу мисолда мусиқанинг тиниши унга қадар бу мусиқанинг чалинганлигига ишора қилиб туради. *Тинмоқ* лексемаси семантикаси орқали англашилувчи бу маъно гапда пресуппозиция орқали юзага чиқади. Шу боис берилган гапдан “*Музыка чалинаётган эди*” пресуппозицияси англашилади.

Р.Расулов ҳам ҳаракат натижаси бўлган ҳолат феълларида “ҳаракат ташқи таъсирига кўра яширинлиги, аммо аслида мавжудлиги” ни қайд этади²⁰. Айни мана шу яширин ҳаракат гапда пресуппозиция воситасида юзага чиқади.

Шунингдек, ўзбек тилида ҳаракатга асос бўлган воқеликка ишора қилувчи феъл лексемалар орқали ҳам гапда пресуппозиция ифодаланади. Бундай лексемалар сирасига *қутулмоқ, озод бўлмоқ, омон қолмоқ, қочмоқ, ёпмоқ, бекитмоқ* ва бошқалар киради. Хусусан, *қутулмоқ* феъл лексемаси

²⁰ Расулов Р. Ўзбек тили феълларининг маъно тузилиши. – Тошкент, 2005. – Б. 14.

“кўнгилсиз, оғир, хавфли ва шу к. ҳолдан халос бўлмоқ”²¹ луғавий маъносига эга. Лексеманинг “халос бўлмоқ” марказий семаси орқали бу ҳаракатга қадар кўнгилсизлик, хавфли ҳол ва шу кабиларга дучор бўлинганликни англатувчи пресуппозиция ифодаланади. Масалан, *Хавфдан қутулдим* гапидан бевосита “*Хавфда эдим*” пресуппозицияси англашилади.

Кейинги йилларда тилшуносликда сўз маъносининг компонент таҳлилига эътибор кучайиши натижасида лексемаларда бир-бирини тўлдирувчи, аммо ўзаро тенг келмайдиган турли семик компонентлар тилшунослар томонидан турлича талқинда турлича номлар остида берилмоқда. Хусусан, М.В.Влавацкая буни макрокомпонентлар ва микрокомпонентлар тарзида ҳам номласа, Л.П.Крысин сўз инкор воситани қабул қилиши натижасида лексик маъносининг ўзгарадиган компонентини *тасдиқловчи қисм* деб атайди ва ўз муносабатини билдириб ўтади²².

Ўзбек тилшунослигида М.Қурбонова болалар нутқи мисолида “баъзи лексик бирликлар нутқда қўлланганда уларнинг семантик компонентларидан бири бевосита юзага чиқса, бошқаси пресуппозиция орқали яширин ифодаланиши”ни қайд этади. Унинг кўрсатишича, бола нутқидан олинган *Ойи, тўйга оқ кўйлагимни кийсам, майлими? Қаранг, ювилган, дазмолланган* (Зилола Каримова, 5 ёш) гапидан англашилган гапдан “*Оқ кўйлагим тоза*” пресуппозицияси лексик бирликнинг семантик компоненти асосида юзага чиқади. Олима сўз маъноси билан боғлиқ ҳолда шаклландиган бу типдаги пресуппозицияни семантик пресуппозиция сифатида эътироф этади²³.

Бизнингча, лексема луғавий маъносининг чегара семик компоненти орқали ифодаланувчи бундай пресуппозицияни ҳам *лексик пресуппозиция* сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ. Негаки нафақат лексик, балки грамматик воситалар (масалан, юклама, кўмакчи, боғловчилар) ҳам грамматик маъноси билан боғлиқ ҳолда гапда пресуппозицияни ҳосил қилади. Бу жиҳатдан лексик бирликлар орқали ифодаланувчи пресуппозицияни *лексик пресуппозиция* сифатида баҳолаш тўғри бўлади.

Ўзбек тилида қариндошлик тушунчасини англатувчи ижтимоийлик белгисига эга *она, ота, эна, хола, амма, тоға, амаки, бобо, буви* каби лексемалар; шахснинг оиладаги ижтимоий ролини англатувчи *эр, хотин, келин, куёв, қайнана, қайната, қайнисингил, овсин*; ёш хусусиятини англатувчи *чол, кампир, қария* каби лексемалар ҳам мураккаб семик таркибли бўлиб, нутқда қўлланганда сўз маъносини шакллантирувчи марказий семаси бевосита, чегара семаси пресуппозиция орқали юзага чиқади. Масалан: *Онамиз кетимдан тош отиб қолди.* (Т.Мурод)

²¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди, 5-ж. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 391.

²² Влавацкая В.М. Комбинаторная семасиология: семный состав слова и сочетаемость // Вестник ЧПУ. Филология и искусствоведение. – Челябинск. 2010. – №12. – С. 256, Крысин Л.П. Современный русский язык. Лексическая семантика. Лексикология. Фразеология. Лексикография. – М.: Издательский центр “Академия”, 2007. – С. 49.

²³ Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: Филол. фан. док. (DSc) дисс. – Тошкент, 2018. – Б.133.

Ушбу гапда қўлланган **Онамиз** лексемаси “Фарзанди ёки фарзандлари бўлган хотин (ўз туққан фарзандларига нисбатан); болали хотин”²⁴ маъносини англатади. Ушбу лексема орқали “*Онамизнинг фарзандлари бор*” тарзидаги марказий пресуппозиция тикланади. Шу билан бирга, бу лексема шахсни жинс жиҳатидан тавсифлаши боис “*Онамиз – аёл*” пресуппозициясига ҳам ишора қилади.

Ўзбек тилида ҳаракат билдирувчи лексемалар луғавий маъносининг чегара семик компонентларидан бири орқали гапда пресуппозицияга йўл очилиши кўп кузатилади. Масалан, *Низомжон бордонни шитирлатмай, оҳиста кийиниб, чодирдан чиқди.* (С.Аҳмад) Ушбу гапда қўлланган *чиқмоқ* лексемасининг маъно компоненти орқали “*Низомжон чодирда эди*” пресуппозициясини юзага чиққан.

Ишда лексик маънонинг чегара семик компонентлари орқали пресуппозиция ифодаловчи *тозалamoқ, ювмоқ, қидирмоқ, изламоқ, ахтармоқ; топмоқ, қутулмоқ, озод бўлмоқ, ёпмоқ* феъл лексемаларининг пресуппозиция ифодалаш имкониятлари ёритилган.

Нутқда фаол қўлланувчи *ювмоқ* феъл лексемаси “сув (баъзан спирт, керосин ва ш.к.) билан ишқаб тоза қилмоқ, кирини кеткизмoқ”²⁵ луғавий маъносига эга бўлиб, унинг “кир” чегара семаси орқали пресуппозиция ифодаланади. Шу сабабли “*Боланинг кўйлагини ювдим*” гапидан “*Боланинг кўйлаги кир эди*” пресуппозицияси англашилади.

Лексема кўчма маънода қўлланганда унинг бош маъноси ҳам пресуппозиция ҳисобига тикланади. Масалан, ўзбек тилида *шайтон* лексемаси нутқда “айёр” маъносида қўлланганда унинг марказий семаси пресуппозиция орқали ифодаланади: *Қиз бола шайтон бўлади дегани шуда!* (Ў.Ҳошимов)

Берилган мисолда *шайтон* лексемаси метафорик маънода қўлланганлиги сабабли гапда “*Қиз бола айёрлигига кўра шайтонга ўхшайди*” пресуппозицияси ифодаланган. Шунингдек, мазкур гапдан ушбу лексеманинг бош маъносини тавсифловчи “*Шайтон одамларни йўлдан оздирувчи, уларни гуноҳга бошловчи ёвуз руҳ, иблис*” пресуппозицияси ҳам англашилади.

Сўз маъноси метонимия асосида *кўчганида* метонимик бирлик орқали у номлаган объект билан ўзаро алоқадорликда бўлган иккинчи объект (нарса-предмет, шахс, уларга хос белги-хусусият, ҳатти-ҳаракат кабилар), унинг хусусиятига ишора қилинади. Масалан: *Пешинга яқин Оқсоқолникидан тўй келди.* (Ў.Ҳошимов)

Ушбу гапда *тўй* лексемаси кўчма маънода қўлланиб, “қудалар ўртасидаги келишувга мувофиқ, куёв томондан қиз томонга бериладиган пул, сарпо, масаллиқ ва ш.к. мажмуи”ни²⁶ англатган. Ушбу лексема орқали гапдан унинг бош маъноси билан боғлиқ ҳолда “*Тўй уйланиш, турмушга*

²⁴ Кўрсатилган луғат, 3-ж. – Б.125.

²⁵ Кўрсатилган луғат, 5-ж. – Б. 72.

²⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-ж.–Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 229.

чиқиш муносабати билан зиёфат бериладиган халқ маросимидир” пресуппозицияси ҳам англашилади.

Лексеманинг кўчма маъноси орқали гапда синтактик қуршов билан боғлиқ ҳолда пресуппозицияга йўл очилади. Контекстдан ташқарида лексеманинг бу хусусияти намоён бўлмайди. Масалан, *мўйсафид* лексемасининг кўчма маъноси орқали гапда қуйидаги пресуппозиция ифодаланиши кузатилади: *Уйнинг тўрида ўтирган мўйсафид одам гап бошлади*. Ушбу гапда *мўйсафид* лексемаси “кекса, чол” маъносида қўлланиб, “*Бу одамнинг ёши улуг*”, “*Бу одам эркак киши*” пресуппозицияларига ишора қилади.

Маълумки, *мўйсафид* лексемаси ўзбек тилига форс тилидан ўзлашган бўлиб, бу тилда “*оппоқ соч*” маъносини англатади. Ўзбек тилида мазкур сўзнинг бош маъноси “*соч-соқоли оқарган, мўйлари оқарган*”²⁷ тарзида қайд этилган. “Кекса, чол” маъноси эса ушбу лексеманинг кўчма маъноси ҳисобланади.

Шуниси характерлики, баъзан лексеманинг кўчма маънода қўлланиши натижасида лексик маъносининг семик таркиби нутқда ўзгариши мумкин. Масалан, “*Гофирбой тогани биламан, сувчилик қилади*” гапида қўлланган *тога* лексемаси “*аёлнинг ака-укалари (унинг болаларига нисбатан)*”²⁸ маъносидан узоқлашиб, ҳурматни ифодалашга ўтган. Бундай вақтда *тога* лексемаси “*хурматга эга*”, “*ёши катта*”, “*эркак*” семаларидан ташкил топади. Лексеманинг бош маъносини ташкил этувчи асосий семалардан бири ўзгаришга учрагани боис чегара семалар орқали юзага чиқувчи “*Гофирбой тога ёши катта одам*”, “*Гофирбой тога – эркак*” пресуппозициялари сақланиб қолади.

Лексемаларнинг гапда пресуппозицияга ишора қилишида уларнинг қайси кўчма маъноси асос бўлганлигини аниқлаш муҳим. Қуйидаги мисолларда *дахшатли* лексемасининг турли кўчма маънолари орқали гапда пресуппозициянинг ифодаланиши кузатилади:

1. *Хаёлимга к елган дахшатли фикрдан эгим увишиб кетди* (Ў.Ҳошимов)

Ушбу гапда қўлланган *дахшатли* лексемасининг кишини ваҳимага солувчи, ваҳимали; кўрқинчли”²⁹ маънолари орқали “*Хаёлимга келган фикр кўрқинчли эди*” пресуппозицияси ифодаланган.

2. *Дахшатли оғриқдан ҳушимга келдим* (Ў.Ҳошимов)

Мазкур гапда эса *дахшатли* лексемасининг каттиқ азоб берадиган, чидаб бўлмайдиган”³⁰ маънолари орқали гапдан “*Оғриқ қаттиқ азоб берадиган даражада кучли эди*” пресуппозицияси англашилади. Мисоллар таҳлилидан маълум бўладики, лексеманинг кўчма маънода қўлланилиши натижасида нутқда турли пресуппозицияларга йўл очилади.

²⁷ Кўрсатилган луғат, 2-ж. – Б. 667.

²⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-ж. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 164.

²⁹ Кўрсатилган луғат. 1-ж. – Б. 584.

³⁰ Шу жойда.

Диссертациянинг учинчи боби “Ўзбек тилида лексемаларнинг антоними, синоними ва уядошларига ишораси орқали пресуппозициянинг ифодаланиши” деб номланган. Унда лексеманинг антоними, синонимига ишораси орқали ҳамда уядош лексемалар орқали пресуппозициянинг ифодаланиши каби масалалар ёритилган.

Тилшунослигимизда лексик антонимлар, синоним ҳамда уядош сўзларнинг нутқ жараёнида контекст, нутқ вазияти, коммуникантларнинг бу бирликлар бўйича эгаллаган тил билими ва кўникмаси билан боғлиқ ҳолда юзага чикувчи прагматик хусусиятларини ўрганишга қаратилган ишлар йўқ ҳисоби. Мазкур бирликлар орқали гапда пресуппозициянинг ифодаланиши, унинг ўзига хос қонуниятларини белгилаш масаласи махсус текширувларни тақозо этади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, нутқда қўлланган антоним лексемалар бевосита семантик зиддига ишора қилиши орқали пресуппозицияни ифодалайди. Умуман, антонимларга хос муҳим белги шундаки, улар инсон хотирасида ассоциатив тарзда доимо бир-бирини ёдга солиб туради. Шу сабабли бир антоним лексема айтилса ёки эшитилса, у билан боғлиқ зид маънодаги антоним лексема хотирада тикланади. Масалан, *яхши – ёмон, катта – кичик, паст – баланд, ёш – қари* каби.

